

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фаргона,  
2021.**

<b>А.Юсупов</b>	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари .....	106
<b>И.Боҳодиров</b>	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти .....	112
<b>С.Холиқов</b>	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни .....	118
<b>А.Юлдашов</b>	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари .....	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
<b>А.Сабирдинов</b>	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати .....	126
<b>Д.Қаландарова</b>	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида .....	129
<b>Н.Сабиров</b>	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси .....	134
<b>А.Абдурахмонов</b>	
Насрий асарда ранг – лейтмотив .....	137
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>О.Латипов</b>	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти .....	140
<b>Я.Нишанов</b>	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари .....	146
<b>Ш.Искандарова, З.Маруфова</b>	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши .....	150
<b>М.Турсунова</b>	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи .....	153
<b>Т.Алимов</b>	
Таржима назарияси ва амалиёти .....	157
<b>М.Саидова, Н.Расулова</b>	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили .....	161
	ПЕДАГОГИКА
<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик .....	166
<b>Б.Ходжаев</b>	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги .....	172
<b>Г.Назарова</b>	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари .....	176
<b>Г.Алимжонова</b>	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари .....	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>Б.Абдуганиев, Н.Азимова</b>	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш .....	186

УДК: 378+371.24+37.013(075.8)

**БЎЛҒУСИ ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИННОВАЦИОН-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ****ИННОВАЦИОННО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО  
МЫШЛЕНИЯ У БУДУЩИХ ЭКОНОМИСТОВ****INNOVATIVE-PEDAGOGICAL FACTORS OF ANALYTICAL THINKING DEVELOPMENT IN  
FUTURE ECONOMISTS**Назарова Гулсанам<sup>1</sup><sup>1</sup>Назарова Гулсанам

– Фарғона политехника институту тадқиқотчиси.

**Аннотация**

Мақолада бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг замонавий педагогик шарт-шароитлари, омиллари, босқичлари, компонентлари, усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккур юритиш кўникмаларининг педагогик-иерархик тизими, намоён бўлиш шакллари тадқиқ қилинган.

**Аннотация**

В статье анализируются современные педагогические условия, факторы, этапы, компоненты, методы развития аналитического мышления у будущих экономистов. Также в статье рассматривается педагогически-иерархическая система навыков аналитического мышления, формы их проявления у будущих экономистов.

**Annotation**

The article analyzes the modern pedagogical conditions, factors, stages, components, methods of developing analytical thinking in future economists. Also, the article examines the pedagogical-hierarchical system of analytical thinking skills, forms of manifestation in future economists.

**Таянч сўз ва иборалар:** фикрлаш, аналитик фикрлаш, бўлғуси иқтисодчи, таълим, олий таълим, таълим ва тарбия жараёни, метод, дебатлар, методик талаблар, таълим ва тарбия самарадорлиги, баҳс-мунозара, мустақил фикр.

**Ключевые слова и выражения:** мышление, аналитическое мышление, будущий экономист, образование, высшее образование, учебно-воспитательный процесс, метод, дебаты, методические требования, эффективность образования и обучения, дискуссии, самостоятельное мышление.

**Key words and expressions:** thinking, analytical thinking, future economist, education, Higher Education, educational process, method, debates, methodological requirements, effectiveness of education and training, discussions, independent thought.

Бугунги кунда янгича мустақил фикрловчи, ижод қилувчи талаба-ёшларни тарбиялаш энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, талабалик йилларида ёшлар биологик жиҳатдан баркамоллик, ижтимоий нуқтаи назардан етуклик, жисмоний бақувватлик босқичига кўтарилади. Талабаларда ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш сингари ақл-заковатнинг муҳим жиҳатлари тараққиётнинг янги, кўтарилади. Айниқса, бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш, илмий дунёқарашнинг шаклланишида умумқасбий, ижтимоий, иқтисодий ва ихтисослик фанлари муҳим ўрин тутади [1, 143].

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётни шакллантираётган эканмиз, бўлғуси иқтисодчилар онгида шаклланаётган янги иқтисодий муносабатлар тизимини ўргатувчи иқтисодий таълимни миллий кадриятларимиз билан уйғунлаштирган ҳолда етказишимиз, бунинг учун олий таълим муассасалари учун тайёрланаётган иқтисодий фанларга оид дарсликлар, ўқув қўлланмаларни жаҳон андозалари талаби даражасида ҳамда миллийликни унутмаган ҳолда тайёрланишини алоҳида қайд этишимиз ўринлидир.

Бўлғуси иқтисодчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг аналитик тафаккурини шакллантиришда доимо миллийлик ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашиш

## ПЕДАГОГИКА

лозим. Ҳар бир давр иқтисодий тараққиёт даражаси ва иқтисодий муносабатлар тизимини ўрганиш ва баҳо беришда холисликка ва адолатга суянмоқ, аналитик фикрлаш асосида муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккур, асосан, ўқиш, амалий машғулот ва мустақил билим олиш фаолиятида жадал ва узлуксиз равишда ривожланади. Гоҳо маъруза жараёни улардан репродуктив тафаккурни тақозо этса ҳам, лекин амалий машғулотлар, мустақил топшириқлар, лаборатория топшириқлари продуктив (ижодий) фикр юритиш фаолиятини талаб қилади. Ҳар иккала таълим шакли ҳам бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккур ақлий меҳнат, мақсадга йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган диққат ёрдами билан амалга ошади. Таълим-тарбия жараёнида замонавий иқтисодиётнинг назарий, амалий ва услубий асосларини, тадбиркорлик ва бизнес қонуниятлари юзасидан чуқур назарий методологик, илмий-услубий хусусиятдаги билимлар ўзлаштирилади. Айниқса, ушбу даврда аналитик тафаккур талаба учун омилкор ақл-заковат қуроли вазифасини бажаради [2, 34].

Психолог А.В.Петровский: “Тафаккур муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат нутқ билан чамбарчас боғлиқ психик ва социал-сабабий жараёндин...тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита умумлаштириб акс эттириш жараёнидир”, деб [3,14.] изоҳласа, Э.Ғозиев тафаккур нафақат психологиянинг, балки мантиқ, фалсафа, хатто кибернетиканинг ҳам тадқиқот объектига айланганлигини, фақат бу фанлар доирасида тафаккур илмий муаммоларга боғлиқ жиҳатлардан тадқиқ этилишини таъкидлаган [4,13] Олимнинг фикрича, тафаккур бир-бири билан чамбарчас боғланган хотира, диққат, тасаввур, идрок каби бошқа руҳий жараёнлар билан уйғунликда юзага келади.

Психологлар тафаккур операцияларини анализ ва синтез, таққослаш, абстракциялаш, умумлаштириш, конкретлаштириш, таснифлаш, тизимлаш каби турларга ажратадилар.

Тафаккур кўринишлари орасида шахс эрудицияси ва интеллектини оширишдаги самарадорлигига кўра алоҳида ажралиб турадиган тури – бу, аналитик тафаккур

ҳисобланади. Аналитик тафаккур ёрдамида ўрганилаётган объектга турли тарафдан ёндашиш, унинг ички ва ташқи алоқаларини комплекс ҳолда текшириш имконияти ҳамда бир тўхтамга келиш тақозо этилади. Ана шундай фикрлаш салоҳиятига эга одамларни қадимги Юнонистонда аналитиклар деб номлаганлар.

“Фалсафа. Қомусий луғат”да “аналитика” атамаси таҳлил қилиш, муҳокама, исботлаш санъати сифатида изоҳланади[5,25]. Аналитика атамаси илк бор Аристотель томонидан мантиқий таҳлил техникасига берилган ном сифатида қўлланган. Унинг “Аналитика” номли асарида фикрлашнинг бу йўсинига тааллуқли икки жиҳат: мураккаб бутунликка эга бўлган объектни дастлаб оддий қисмларга ажратиш ва уларни текшириш асносида тафаккур юритишнинг мураккаблашиб боришига эътибор қаратилади.

Немис файласуфи Иммануил Кант аналитикани инсоннинг англаш қобилияти деб атаб, “Соф онг танқиди” асарида биринчи бўлиб билиш жараёнини аналитик ва синтетик фикрлаш сингари икки босқичга ажратишни таклиф этди [6]. Аналитик фалсафанинг рамзий отаси Г.Фреге аналитик фалсафада тил илмий тадқиқот олиб бориш ва унинг натижаларини ифодалаш воситасигина эмас, балки фалсафий таҳлилнинг предмети ҳам ҳисобланади, деб таъкидлайди[7]. Аналитик фалсафа ўзга фалсафий услублардан ўз ғояларини умумий матн орқали эмас, балки алоҳида гап орқали ифодалашига кўра ажралиб туради. Файласуф-аналитик фикр ва ундаги гапларнинг аниқ маъно ташишига, мантиқий боғланишли бўлишига, аниқлигига жиддий эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам бўлғуси иқтисодчилар аналитик тафаккурини ривожлантириш, уларни мустақил фикр кишиси қилиб тарбиялаш қаторида нутқини ўстириш, тилни ўргатиш ҳаммиша долзарб масала бўлиб келмоқда.

Педагог олимларнинг тадқиқотлари натижасида аниқландики, бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш биринчи галда ўқитиш таъсири остида амалга ошар экан. Тафаккур қилиш эса, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг принциплари ва шакллари каби педагогик категориялар орқали амалга ошади. Шу боис, «тафаккур» тушунчаси педагогик категория сифатида қабул қилинади.

Бинобарин, талабаларда тафаккурнинг шаклланишини педагогик нуқтаи назардан ўрганиш жуда муҳимдир.

Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш ўқув-тарбия жараёнида педагогик категориялар орқали амалга ошишини назарда тутсак, билимларнинг шакллари, ўқитишнинг принциплари, методлари ва шакллари тафаккурни, хусусан тушунчавий тафаккурнинг ривожлантиришга қай даражада йўналганлигини аниқлаш жуда муҳимдир. Бу эса аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг шартлари, йўллари ва воситаларини аниқлаш имконини беради [1, 129].

Ўқитиш мобайнида билимларнинг хилма-хил шакллари билан иш кўришга тўғри келади. Одатда тасаввур, тушунча, қонун, принцип, назария, ғоя, исбот, қоида, методлар ва бошқа билимларнинг кенг тарқалган шакллари ҳисобланади. Ўқитишда улар умумий тарзда эмас, балки маълум ўқув предметининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Билимларнинг зикр қилинган шакллари тушунчалар сифатида ҳам ўрганилиши жоиздир. Уларни ўзлаштиришга қаратилган фаолиятнинг барча турлари биринчи галда тушунчавий тафаккурни ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган.

Тафаккур – инсон ақлий фаолияти, ақл-заковати ва онгли хатти-ҳаракатининг юксак шакли ҳисобланади. Тафаккур теварак-атрофни, ижтимоий муҳит ҳамда воқеликни билиш қуроли, шунингдек инсоннинг кенг кўламдаги фаолиятини оқилна амалга оширишнинг асосий шarti саналади. Тафаккур жараёнида талабаларда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар онгда тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади [8, 114].

Бўлғуси иқтисодчиларни аналитик фаолиятга йўллаш ва бу фаолиятни ривожлантиришда мантиқий, танқидий ва аналитик фикрлаш малакасини шакллантириш шахс сифатида ривожланишларининг динамик асосларини ташкил этади. Зотан, аналитик услубда фикрлаш ҳар қандай масала юзасидан чуқур, атрофлича мантиқли фикр юритиш билан бирга чиқарилган хулосанинг исботланган бўлиши жиҳатидан ажралиб

туради. Демак, бўлғуси иқтисодчиларни аналитик фаолиятга йўллашда ўзига хос ёндашув, қарашни аниқ, мантиқли, ифодали баён этиш ҳамда асослашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир одамнинг тафаккур даражаси ҳам билимлар турфалиги натижасида аналитик тафаккур ўзига хос қарашларнинг юзага чиқишига имкон беради. Шунинг учун ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб Ғарб мамлакатлари педагогик амалиётида аналитик тафаккурни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланган.

Аналитик тафаккур мантиқий тафаккур хусусиятларини ҳам қамраб олиши, тафаккур суръатининг тезлиги, масалага турли жиҳатлардан ёндашишни талаб этиши, қамровлилиги, муаммонинг асосланган ечимини топиш сингари жиҳатлари билан устуворлик қилади. Бундай тафаккур эгаси масаланинг асл моҳиятини англаш, унинг сабаб-оқибатларини тушуниш, керакли қарорга кела билиш қобилиятига ҳам эга бўлади. Аналитик тафаккур янги ахборот излаб топиш, уни ўрганиб, тизимга солиш, таққослаш, баҳолаш, мантиқий фикрлаш, далилларга таяниш, мавжуд ахборотларга танқидий қарай олиш, олинган маълумотлар асосида тўғри тўхтамга келиш имконини беради. Бинобарин, тараққиётнинг ҳозирги даражаси ҳар қандай касб эгасидан ўхшатиш, қиёслаш, қисмларга ажратиш, умумлаштириш, тизимлаш, моделлаштириш, таснифлаш, мўлжал қилиш орқали ўз фаолиятини режалаштиришни талаб қилади. Санаб ўтилган сифатларнинг қарор топиши эса талабаларда яхлит ахборот маданияти ҳамда замонавий, гуманистик дунёқарашнинг шаклланишида асос вазифасини ўтайди.

Хўш, қай йўсинда иш олиб борилса, бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш самара беради?

1. Аналитик тафаккурни шакллантириш бевосита талабаларнинг амалий мутахассислик фаолиятига боғлаб фанлараро интеграция асосида касбий амалиётда кўп учрайдиган муаммоларни ечишга қаратилган бўлса.

2. Бу жараённинг самарали яқунланишини кафолатлайдиган илғор таълим методларидан, усул ва воситалардан, инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали.

## ПЕДАГОГИКА

3. Касбий баҳслар ташкил этиш, аналитик тренинглар ўтказиш, илмий тадқиқот лойиҳаларига жалб этиш.

4. Талабаларнинг аналитик фикрлаш механизмини ўзлаштиришлари учун педагогик шарт-шароит яратиш, хилма-хил ўқув топшириқлари ва вазиятли кейслардан унумли фойдаланиш.

Бўлажак иқтисодчилар аналитик тафаккурни ривожлантириш асосида ўз қобилиятини баҳолаш, ютуқларини таҳлил қилишга интилиш, фанга доир компетентлик даражасини ошириш имконига эга бўладилар. Бу эса таълим натижаларини прогнозлашга шароит яратади. Биз бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришда қуйидаги амалий компонентларга устуворлик беришни тавсия қиламиз: қадриятли-мотивацион, рефлексив – баҳоловчи, фаолиятга доир, когнитив компонентлар.

Қадриятли-мотивацион компонент талабаларда вазифаларни аниқ белгилаш, тўпланган материаллар ва ахборотдан самарали фойдалана олиш лаёқатини шакллантиришни кўзда тутаяди.

Рефлексив-баҳоловчи компонент талабаларда эмоционал-интеллект ва баҳолаш-аксиологик қобилиятни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Фаолиятга йўналтирилган компонент маълумотларни тизимлаштириш, яхлитлаш, уларнинг ўзига хос қирраларини топиш ва ўз қарашларини исботлаш орқали оддий қарашлардан илмий концепция яратишгача бўлган фаолият лаёқатларини шакллантиришни назарда тутаяди.

Когнитив компонент эса ҳаётий, илмий, фалсафий хулосалар яшаш, тафаккурий юксалиш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш лаёқатларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш нафақат ҳар бир олий ўқув юрти илмий мавқеининг юксалиб боришига, балки жамият равнақига ижобий таъсир кўрсатади.

Олий таълим муассасалари узлуксиз равишда ижодий тафаккурни талаб қиладиган, муаммоли хусусиятдаги топшириқ ва масалалар тизимидан иборатдир. Ҳар бир маъруза, семинар, мустақил таълим, лаборатория ишлари ҳам муаммоли вазият, ҳолатнинг таркибий қисмларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал

қилиш эса талабадан ижодий изланишни талаб этади. Чунки, муаммоли ҳолатгача давр, муаммоли вазият, муаммоли вазиятдан кейинги ақлий жараёнлар ҳам талабадан ижодий қидирув, тадқиқот фаолиятини амалга оширишни тақозо этади. Топшириқларни мустақил бажариш талабалардан тафаккур операциялари (анализ, таққослаш, қиёслаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, гуруҳлаш) ва шаклларида (тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдан) фойдаланишни талаб қилады.

Бўлғуси иқтисодчилар иқтисодиётга оид фан асосларини эгаллаш жараёнида ижодий маҳсулот бериш учун тинимсиз ҳаракат қиладилар. Уларнинг билишга, билим олишга ундовчи майллари турғун, мустаҳкам ва барқарор қизиқишга айлана боради. Жумладан, талабалар тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғуллана бошлайдилар. Ҳатто бу ёшлар, ўз ақлий меҳнати маҳсуллари билан олимпиада, илмий-амалий анжуманларда, ихтирочилар ва рационализаторлар конкурс-танловларида муваффақиятли қатнаша оладилар. Буларнинг барчаси тафаккур ёрдами билан амалга оширилади, моддий борлиқни янада аниқроқ ифодалаш, яратиш фаолиятларида фаол қатнашиш учун интилиш, муаммоли ҳолат ва вазиятларни ҳал қилиш жараёнларининг маҳсули сифатида намоён бўлади [9,45].

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида замонавий таълим муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб, муаммони ҳал этишдир. Бундай ўқитиш жараёни шахснинг ижодий фаолиятини тарбиялаш мақсадларига мос таълим муассасалари амалиётида муаммоли ўқитиш билан бирга иллюстрацияли тушунтириш, ахборот-маълумот ва дастурлашган таълим технологияси кабилардан кенг фойдаланилади.

Фикримизча, иқтисодиёт фанларидан муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллик роли репродуктив ўқув усулларида қиёсланганда анча самарали бўлади. Муаммоли таълимнинг мақсади – талабалар билан ишлаш жараёнида таълим-тарбия масалалари, юзага келган муаммо ва саволларига жавоб қидириш, уларни ҳал этиш йўллари билан янги билимларни ўзлаштиришни, талабалар ўқув фаолиятида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва ҳал этиш бўйича профессор-ўқитувчилар

уларда қизиқиш уйғота олишидан иборат. Жумаладан:

1. Иқтисодиётда юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиш, талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларидандир. Бундай фикр юритиш талабани шу нарсани англай олмаганлигини тушуниб етиб, муаммонинг маъносига жиддий равишда эътибор беришга, тафаккурини шакллантиришга қаратилади.

2. Олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнида аналитик тафаккурнинг самарали, мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёни, ўқув-тарбия ишлари асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Муаммоли таълим ёрдамида эса бўлажак иқтисодчи мутахассисларда ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ҳал этишга тадқиқий ёндашиш, аналитик тафаккурини ривожлантириш, мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

3. Иқтисодий таълим талабалар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга, аналитик тафаккурини шакллантиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини ҳал эта билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, муаммоли таълимни аниқлаш имкониятларини очиб беради.

Мамлакатимизда кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, яъни иқтисодий ислохотларни амалга оширишгина эмас, инсонларда, айниқса, ёшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муҳим роль ўйнайди. Чунки иқтисодий тафаккур жамият аъзоларининг дунёқарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишга ўрганишига асос бўлади.

Ҳозирги шароитда бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Чунки аналитик тафаккур жамият аъзоларининг дунёқарашини шакллантиришда мустақил фикр юритиш, вазиятга кўра қарор қабул қилишни ўрганишига асос бўлади. Аналитик тафаккур чегарани ҳис қилиш, меъёрни билиш, ҳисоб-китоб қилиш орқали хоҳиш, истак билан реал имкониятни таққослаб қарор қабул қилишда ифодаланади [10, 78].

Бўлажак иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш уларда ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниқлашга имкон беради. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда инсонлар ўртасида объектив тарзда юзага келувчи алоқа ва субъектив муносабатлар ҳам аналитик тафаккур ёрдамида намоён бўлади.

Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараёнда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1. Талабаларда ўқув фаолият бутунлиги ҳамда мантиқий, аналитик тафаккурни шакллантириш.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, талаба ёшлар мактаб давридан бошлаб ўқув фаолиятини, унинг компонентлари – ўқув масалалари, ўқув ҳаракатлари, ўз-ўзини баҳолаш билан бирга ўзлаштира оладилар. Бу борада талабаларда ўқув фаолиятини шакллантиришни, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашдан бошлаш мумкинлигини тавсия этиш мумкин [11]. Чунки бу ҳолатда талабалар ўз ўқув ҳаракатларини таҳлил қила оладилар ва таққослайдилар.

2. Талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш.

Маъруза ва амалий машғулотларни ташкил қилиш жараёнида ривожлантирувчи таълим талабаларнинг мустақил таълим олишини кучайтиришни назарда тутди. Мустақил таълим олиш деганда, ўқитувчининг топшириғи ва ажратилган вақт давомида, ҳамда бевосита унинг иштирокисиз бажариладиган одатдаги ўқув фаолияти тушунилади.

3. Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантириш учун фикрлаш хусусиятларини шакллантириш. Асосий



## ПЕДАГОГИКА

фикрлаш операциялари – бу, анализ-синтез, умумлаштириш, таққослаш, таснифлашдир. Фикрлаш операциялари асосан машғулотлар жараёнида фаоллаштирилиши мумкин. Бу ўқитувчининг «Нима учун?», «Қандай мақсадда?», «Сабаблари қандай?», «Натижа нима учун шундай бўлди?» сингари саволлари муҳокамаси орқали амалга оширилиши мумкин.

4. Машғулотлар жараёнида бўлғуси иқтисодчиларда диалектик тафаккурни ривожлантириш. Иқтисодиёт олий ўқув юрти талабаларини аналитик фикрлашга ўргатиш учун уларнинг фалсафий онгини кўтариш ниҳоятда муҳимдир. Талабаларни баҳслар, мунозаралар, қарама-қарши вазиятларга тортиш орқали аниқ ва ноаниқ, очиқ ва ёпиқ қарама-қаршилиқлар, ўзгаришлар-предметлар орасидаги боғлиқликларга аниқликлар киритилади. Бундай

машғулотлар давомида тафаккур мослашувчанлиги таркиб топиб, бунда талаба ҳар қандай ҳолатни таҳлил қила олиб, ундаги ўзгариш ва ривожланишни аниқлаш, предметлар ва воқеликка ўзгача назар билан қарашни ўрганади. Бундай хусусият эса ниҳоятда тез ўзгараётган бугунги замонамизда ҳар бир талаба учун ниҳоятда зарурдир.

5. «Билимлар иқтисодиёти», «Инновацион иқтисодиёт» ва иқтисодиётга оид фанларни ўтиш жараёнида талабаларда ижодий тафаккурни шакллантириш.

Бўлғуси иқтисодчиларни муаммоли вазиятларга тортиш, танқидий ҳолатларни муҳокама қилиш улардаги муаммоларни мустақил ҳолда топиш ва уларни ҳал этиш учун ўз лойиҳаларини, кейсларни тузиш ва ҳимоя қилиш уларда аналитик тафаккурнинг самарали шаклланишига хизмат қилади.

## Адабиётлар:

1. Hakimova M.F., Yulchayeva G.T. Zamonaviy iqtisodchining shaxsi. – T.: Fan va texnologiyalar, 2014.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология. – T.: Fan va texnologiya, 2012.
3. Петровский А.В. ва бошқ. Умумий психология. T.: Ўқитувчи.-1992.
4. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. T.: Ўқитувчи.-1990.
5. Фалсафа. Қомусий луғат. T.: Шарқ.-2004
6. Иммануил Кант. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н. Лосского сверен и отредактирован Ц. Г. Арзаканяном и М. И. Иткиным; Примеч. Ц. Г. Арзаканяна. — М.: Эксмо, 2007. — 736 с.
7. Бирюков Б. В. О взглядах Г. Фреге на роль знаков и исчисления в познании. М., 1966.
8. Ҳакимова М.Ф. Касб педагогикаси. – T.: Fan va texnologiya, 2008.
9. Хаджабаев А., И.Хусанов. Касбий таълим методологияси. – T.: Фан ва технология, 2006.
10. Райзберг Б.А. Психологическая экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2019.
11. Siddikov IB. Social-philosophical aspects of the youth intellectual culture forming // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. USA, Philadelphia, 2018. № 01 (57), – 61-66 p. (- №23; SJIF – 5,667)

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)